



Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221000 Шовот шаҳарчаси, Туркистон кўчаси-73
Телефон: (0-362) 345-13-64, 345-18-16. Факс: (0-362) 345-13-52

2020 йил « 31 » декабр

Шовот ш.

№ 2205

Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёнини тасдиқлаш ҳақида.

Шовот шаҳарчаси “Дўстлик” маҳалласида яшовчи фуқаролар Райимов Руслан ва Абдурахмонов Илхомларнинг Шовот тумани ҳокими номига ёзган аризаларини инобатга олиб, Шовот тумани ҳокимининг 2006 йил 03 июндаги №242-сонли қарорини, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёнини ва бошқа тақдим қилган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.
2. Шовот тумани ҳокимининг 2006 йил 03 июндаги №242-сонли фуқаролар Райимов Руслан ва Абдурахмонов Илхомларга яқка тартибда турар жой қурилиши учун хар бирига 400.0 кв.метрдан жами 800.0 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича ер майдонини Шовот тумани Хуррият қишлоғи қишлоқ хўжалиги ер тархининг 503 к контури (“Қозоққалъа” маҳалласи худуди)га кўчирилишига рухсат берилсин.
3. Шовот тумани ҳокимининг 2006 йил 03 июндаги №242-сонли фуқаролар Райимов Руслан ва Абдурахмонов Илхомларга яқка тартибда турар жой қурилиши учун хар бирига 400.0 кв.метрдан жами 800.0 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича ер майдонини Шовот тумани Хуррият қишлоғи “Қозоққалъа” маҳалласи худудига кўчирилишига рухсат берилган 800.0 кв.метр ер майдонида турар жой биноси қурилишига рухсат берилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва туман архитектура ва қурилиш бўлимларига фуқаролар Райимов Руслан ва Абдурахмонов Илхомларга кўчиришга рухсат берилган хар бирига 400.0 кв.метрдан жами 800.0 кв.метр ер участкасида турар жой биноси қурилиши учун ер майдонини натурада кўрсатиб, зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Отажанов зиммасига юклансин.

Шовот тумани ҳокими:



Х.Отаханов